



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## Тиббий хизмат:

### АҲОЛИ РОЗИЛИГИ – БОШ МЕЗОН



Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини янада юксалтириш йўлида замонавий тиббий хизматни яхшилашга қаратилаётган алоҳида эътибор одамларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашида муҳим аҳамият касб этмоқда. Паркент туманида ҳам аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳамда тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини яхшилаш борасида қўлмалли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, тумандаги 42-оилавий поликлиника Давлат дастури асосида тўлиқ таъмирланиб, жорий йилнинг январь ойида фойдаланишга топширилди. Қурилиш ишлари "Ozoda MTR" масъулияти чекланган жамияти томонидан бажарилиб, бунинг учун жами

2 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланди. Аввалги бино жуда кичкина, хоналари тор бўлгани, айниқса, тиббий ускуналарнинг етишмаслиги сабабли анча ноқулайлиқлар туғдирарди. Ҳозирда поликлиникага малакали шифокорлар жалб қилиниб, қон ва бошқа

турдаги таҳлиллар учун зарур жиҳозлар ҳамда текширув аппаратлари билан таъминланган. Натижада, беморларга ташхис қўйиш сифати яхшиланиб, бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлиги ошмоқда. Мазкур шифохона "Навба-

хор", "Гулистон", "Кўрғонтепа", "Оқтепа", "Марказий", "Ёшлик кўрғони" маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қиладиган 12 минг 447 нафар аҳолига хизмат кўрсатади. Поликлиникада 7 нафар олий тоифали шифокор ва ҳамширалар тиббий кўрик, биринчи ёрдам, амбулатор шартда даволаш, эмлаш каби тадбирларни амалга ошириб келмоқда. Айниқса, болалар, ўсмирлар, фертил ёшидаги аёллар, ёш оналар саломатлиги доимий назоратда. Турли касалликларнинг

олдини олиш фаолиятимизнинг асосий йўналишидир, дейди поликлиника бош шифокори Шохидат Йўлдошева. Шифокор ва патронаж ҳамширалар ўзларига бириктирилган ҳудудлардаги оилаларнинг тиббий-ижтимоий ҳолатини ўрганмоқда. Беморларнинг уйда кўриқдан ўтказиш, эмлаш орқали турли юқумли касалликларнинг олдини олишга ҳаракат қиляпти. **Зухриддин РАҲМОНОВ,** "Тошкент ҳақиқати" мухбири Мансур ҲИММАТОВ олган суратлар

## ВИЛОЯТИМИЗДА "РАҲБАРДАН ЎН КИТОБ" АКЦИЯСИ БОШЛАНДИ

Ғоя муаллифи – Президент

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 19 март кuni ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлоднинг маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтган эди. Мазкур селекторда ёшлар ўртасида китобхонликни ривожлантириш масаласига алоҳида урғу қаратилди. Мавжуд кутубхоналарнинг аҳоли танқидий таҳлил қилинди. Шавкат Мирзиёев ҳар бир раҳбар ўзининг тумани учун китоб совға қилса, тайёр кутубхона пайдо бўлиши мумкинлиги ҳақидаги ташаббусни илгари сурди.

Бу ташаббуснинг моҳияти нимада?

Ўша йиғилишда маълум бўлдики, давлат кутубхона қуриш, ёшларни китобхонликка жалб этиш бўйича жуда катта қўламдаги ишларни бошлаш керак. Президент шундай топширик берди. Бироқ, давлатимиз раҳбари таъкидлаётгани, мамлакатнинг барча ҳудудда ўша шинам ва ораста, арзон кутубхоналар қурилгунча бўлган оралиқ муддат ҳам катта давр. Ёшларимизни шу даврда ҳам бўш қўйиб, қўл қовуштириб туриб бўлмайди.

Яъни, уйимизда фойдаланилмаётган қанча китоблар бор. Тасаввур қилинг, уни бошқалар ҳам ўқиса, билим олса... Маърифатли халқимизнинг хонадонларида қанчадан-қанча китоблар, нодир асарлар борлигига шубҳа йўқ. Шунингдек, Президент ташаббусини самимий қўллаб-қувватлайдиган раҳбарларимиз кўп экани аниқ. Вилоят Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармаси ана шундай хайрли ишга бош қўшадиганларни ҳамкорликка чорлайди! Айни шу йўналишда махсус акция эълон қилинди.

Акция фақат раҳбарлар учунми?

Йўқ, ҳамма учун. Фақат Президент давлатидан илҳомланган раҳбарларимиз ўрнатилган локомотив бўла олишса, нур устига нур бўлар эди. Китоб йиғиш, кутубхона барпо этиш акциясида фаол иштирок этган раҳбарлар ва аҳоли вакиллари ҳақида маҳаллий нашрларда, ижтимоий тармоқларда мунтазам хабарлар бериб борилади. Ишонимизки, бу тадбирда қатнашганлар билан фарзандлари, яқинлари гуруҳларида – мамлакат раҳбари бошлаб берган эзгу ташаббус халқимизни бир маслак атрофида янада жипслаштиради.

Давоми 2-бетда

## «Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

### «ЛАҒМОНЛАР ИЛМАЙ ҚУЛОҒИМИЗГА, БИР КЕЛИБ КЕТИНГ, ҚИШЛОҒИМИЗГА...»

Газетамизнинг шу йил 20 февраль сонидан «Тошкент тумани ҳокимлиги эътиборига» руҳини остида юқоридаги сарлавҳа билан чоп этилган мақолада тумандаги «Авлиё ота» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудуддаги муаммолар баён этилган эди. Тахририятга мазкур мақола юзасидан Тошкент тумани ҳокими Акбар Сулаймонов имзоси билан

корхонаси томонидан «Бешкўрғон» берк кўчасини электр энергияси билан таъминлашдаги носолиқлар 443-трансформатор шахобчаси орқали бартараф қилиниб, қайтадан техник кўриқдан ўтказилди. Бешкўрғон кўчасига бетон таянчлар ва эҳтиёт қисмлар ажратилиш учун вилоят электр таъминоти корхонасига талабнома берилди. Ушбу талабномага асосан эҳтиёт



Нурафшон шаҳридаги «Кумарик» маҳалласида 2 мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти меҳнатдан қочмайдиган танти инсонлар. Юртимизда томорқачиликка эътибор кучайди-ю, бу ерда помидор, гулқарам ҳамда турли кўчатлар етиштириш «авж» олди.

## ТОМОРҚА ТОМНИНГ ОРҚАСИ ЭМАС

У оиланинг «Юзи», маънавияти белгиси ҳамдир

– Йигирма йилдан бери кетмон қайраймиз, дейди Фахриддин Жамолов. Ҳозир уч сотихли иссиқхонамизда гулқарам парвариш қиляпмиз. Маҳсулотимизни апрель ойидан бозорга чиқарамиз. Бундан яхшигина даромад олишни мўлжаллаганмиз. Ҳосилни йиғиб олганимиздан сўнг,

ўрнига помидор экишни режалангиз. Худуддаги «Ёшлик» кўчасида яшовчи Ниғматовлар хонадонига кириб борганимизда оила бошлиғи мевали дарахтларга шакл бериш билан банд экан. Ўн сотихли томорқадаги боғ орасида бир қарич ер ҳам бўш қолмаган, турли сабзавотлар парваришланмоқда. Айниқса, барқ уриб турган гулқарам кўзни қувонтиради.

Маҳаллада кўчатчилик билан шугулланадиганлар ҳам бор. Улар орасида 75 ёшли Гавҳар ая Тожибоеваннинг шижоати таҳсинга лойиқ. Онахон невараларини ёнига олиб, томорқасидаги иссиқхонада қарам ва помидор кўчатларини етиштириб, оиласи фаровонлигига ҳисса қўшмоқда. **Ўз мухбиримиз** Равшан МИРЗАКУЛОВ олган суратлар

Қибрай туманидаги «Ўткир» маҳалласида истиқомат қилувчи Лобар опа Мирзалиеванинг ҳовлиси қишини-ёзини яшнаб туради. Ёзда турли экинлар барқ уриб, мўл-кўл ҳосил бериб, рўзғорга баракка киритса, қишда чоғроққина ойнаванд томли иссиқхона дурустгина даромад беради.

## «ХАЗИНА»СИ БОР ХОНАДОНЛАР

Бир кuni Лобар опа қараса, кўшниси сигирига майда-чуйда картошкаларни бераётган экан. Иссиқхонасининг ёнида бир парча ер бўш ётганини эслаб, кўшнисидан молга бераётган картошкадан бир челагини сўраб олибди. Эвазига ярим челақ тарик берибди. – Олхўридек келадиган картошкани эринмай экиб чиқдик, – ҳикоя қилади Лобар опа. – Қиш бўйи йиғилиб қолган ўчоқ кулини ерга солдик. Ишонасизми, арзиманган ердан 10 коп картошка йиғиштириб олсак-а... Тер тўккан, меҳнат қилган қараб қолмас экан. Оиламизнинг барча даромади шу уч сотих томорқадан. Мана, яқинда «Дамас» сотиб олдик, ҳар йили тўй қиламиз.



Давоми 2-бетда



Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Олий суд, Бош прокуратура, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоят судлари раислари, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.  
Барча даражадаги раҳбарлар-

лоят, туман ва шаҳарлардаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари-га мурожаат қилган. Мурожаатларнинг 3 минг 500 дан ортиғи, яъни 63 фоизи қаноатлантирилган.

Шу даврда вилоятда 530 дан ортиқ сайёр қабул ўтказилиб, 4

си Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси Қозимжон Комилов, Бош прокурор Отабек Муродов, адлия вазири Русланбек Давлетов, ички ишлар вазири Пулат Бобононов, Тошкент вилояти ҳокими Фулом-

қарувида бўлган "Дон-нон" МЧЖ устав фонднинг 87 фоиздан зиёди оиланинг меросхўрлари сифатида қизим иккаламизга ажратилиши белгиланди. Лекин, турмуш ўртоғимнинг ўрнини эгаллаган собиқ ўринбосари оиламизга тегишли бўлган мазкур улушни ўз фойдасига ўзлаш-

Сайёр қабулда ҳар бир мурожаатчининг арзу холи тингланиб, эътирозга сабаб бўлган ҳолатлар чуқур таҳлил қилинган ҳолда уларни бартараф этиш чоралари кўрилди. Аксарият мурожаатларда келтирилган қонунбузулиши ҳолатлари ва бошқа ижтимоий-иқтисодий муаммолар жойида ҳал этилди.

Очик мулоқотда аҳолининг 400 дан ортиқ мурожаати тингланиб, маълум қисми жойида бартараф этилди. Маълум муддат, яъни атрофлича ўрганиш ёки вақт тақозо этадиган мурожаатлар бўйича тегишли мутасаддиларга вазифа топширилиб, ижроси назоратга олинди.

Сайёр қабул доирасида ногиронлиги бўлган бир гуруҳ фуқароларга ногиронлик аравачаси, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга озиқ-овқат маҳсулотлари берилди.

**А. ХУДОЙҚУЛОВ,**  
ЎЗА МУХБИРИ

## 400 ДАН ОРТИҚ МУРОЖААТ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Тошкент вилоятидаги Халқ қабулхонасида Президент Администрацияси томонидан сайёр қабул ўтказилди.

### Юзма-юз

нинг аҳоли билан бевосита мулоқот қилиши, айниқса, сайёр қабуллар орқали мурожаатчилар ҳузурига бориши уларнинг адолатга, давлатга, эртанги кунга ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, очик мулоқотларда аҳолига муносиб иш ва турмуш шароити яратиб борасида бор куч ва имкониятлар ишга солинаётди.

Бундай саъй-ҳаракатлар фуқароларда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини юксалтириб, ҳаётга муносабатини тубдан ўзгартириш, яратувчанлик ва ташаббускорлигини оширишга замин яратмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам мурожаатлар билан ишлаш тизими сифат жиҳатидан янги bosқичга кўтарилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхоналари, турли вазирлик ва идора раҳбарлари томонидан ўтказилаётган сайёр қабуллар алоҳида аҳамият касб этмоқда. Маълумотларга кўра, жорий йилнинг дастлабки 2 ойида 5 минг 600 жисмоний ва юридик шахс ви-

минг 500 дан зиёд мурожаат қабул қилинган. Уларнинг қарийб 2 мингтаси қаноатлантирилган.

Сайёр қабулда аҳоли мурожаати мазмунидан келиб чиқиб, уларни Ўзбекистон Республика-

жон Ибрагимов, вилоят бошқарма ва ташкилотлари раҳбарлари қабул қилди.

– Турмуш ўртоғим Мирзо Улугбек туманида нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланар эди, – дейди Мукаррам Нуралиева. – Тақдир экан, 2007 йилда бевақт қафо қилди. Шундан сўнг давлат нотариуси томонидан турмуш ўртоғим бош-

тириб олди. 10 йиллик чопа-чоплардан сўнг, ниҳоят адолат қарор топди. Унга нисбатан ўтган йили Тошкент шаҳар прокуратураси томонидан жиноят иши очилди. Бош прокурорга мана шу масала юзасидан мурожаат қилиб, қўзғатилган мазкур жиноят ишини ўз назоратига олишини ва адолат тўлиқ қарор топишида амалий ёрдам беришини сўрадим.

### Мавзуга доир

Кеча Оҳангарон шаҳридаги 6-сонли Болалар мусиқа ва санъат мактаби биносида вилоят ҳокими Фуломжон Ибрагимов фуқаролар билан сайёр қабул ўтказди.

Қабул давомида Олмалиқ, Ангрен ва Оҳангарон шаҳарлари, шунингдек, Оҳангарон тумани аҳолиси иштирок этди. Мурожаатлар юзасидан ҳар бир фуқаро билан вилоят ҳокими юзма-юз мулоқот қилди, муаммолар қонун доирасида, жойида ижобий ҳал этилди, вақт талаб қиладиган масалалар бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Қабулда иштирок этувчилар учун вилоят солиқни сақлаш бошқармаси томонидан бепул тиббий кўрик ташкил этилди. Тадбир доирасида ногиронлиги бўлган фуқароларга вилоят ҳокими томонидан аравачалар ҳадя қилинди.

Оҳангарон туманида истиқомат қилувчи Феруза Нишонова бу кунни бир умр эси-

## МУЛОҚОТ ДАВОМ ЭТАДИ...

да сақлаб юрса керак. Боиси, турмушининг зилзамбил ташвишларини ёлғиз ўзи елкасига олиб келаётган, жисмоний имконияти чеклангани туфайли кўнгли чўкиб, энг оғири – болажонлари билан уй-жойсиз қийналиб юрган кезларида, мазкур қабул жараёни вилоят ҳокими тимсолида давлат, Президент унга елка тутди.

Бу аёлнинг изтиробли, фожиали ҳаёт ҳикоясини эшитган вилоят ҳокими зудлик билан аёлни уй-жой билан таъминлаш, ҳолидан мунтазам хабар олиш бўйича топшириқ берди. Шу тарихи Феруза Нишонова сайёр қабулдан тўғри янги уйига борди. Унинг кўзларида севинч ёшлари,



она Ватандан, давлатдан, Президент сиеватидан мамнулик ҳисси барқ урар эди...

Қабул давомида жами 60 нафар мурожаат эгаси вилоят ҳокими билан шахсан мулоқот қилди. Бундай тадбирлар вилоятимиз бўйлаб давом этмоқда...

**Вилоят ҳокимлиги ахборот хизмати**

## БИЛИМДОНЛАР СИНОВИ

Талаба бўлиш – катта бахт. Олий таълим муассасаларида тест синовларини топшириб, керакли балл тўплаш осон иш эмас. Айни кунларда аксарият абитуриентлар яқинлашиб келаётган тест синовларига пухта тайёргарлик кўришмоқда.

### Абитуриент – 2019

Бу йил амалдаги тартиб ўзгарди. Эндиликда олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тест синовлари июль-август ойларида ўтказилади. Муҳим янгиликлардан бири шундаки, энди абитуриент 3 та ОТМга ҳужжат топшириши мумкин. Бунинг учун таълим йўналишини танлашда тест синовни топшириладиган фанлар мажмуаси ва уларга балл бериш кетма-кетлиги мос келиши шарт.

Айтилик, кимдир Чирчиқ давлат педагогика институтининг тарих факультетига ҳужжат топширди. Қўшимча равишда у ОТМга фанлар мажмуасига мос келувчи яна 2 та олийгоҳнинг тарих факультетига ҳужжатларини илова қилди. Лекин абитуриент тест синовларида бир марта иштирок этади.

Бордию, у ҳужжат топширган институтига кира олмаसा, тўплаган бали қолган иккита олийгоҳнинг тест натижаларига солиштирилади. У танлаган иккита олийгоҳнинг бирида шартнома ёки давлат гранти асосида қабул қилиш натижаларига тўғри келса, талабалик баҳтига эришади.

Шу боис, ҳозирданок вақтни ганимат билиб, бундай имкониятни қўлдан чиқармаслик учун ҳаракатни бошлашимиз керак.

**НОЗИМЖОН НУРМАНОВА,**  
"Пифагор" ўқув маркази абитуриенти

**Хусусий эълон**  
"Хунарманд" уюшмаси Юқорчи Чирчиқ тумани бўлимнинг эски муҳри 2018 йил 23 июлдан бекор қилинганлиги сабабли, шу санадан бошлаб мазкур муҳр билан тасдиқланган барча ҳужжатлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Реклама ўрнида

# «ТОШКЕНТ АГРОКИМЁҲИМОЯ»

## ҳудудий акциядорлик жамияти

## жамоаси юртдошларимизни

# Наврўз шодиёнаси

### билан қутлайди!

### Ҳар бир хонадонга файзу барака,

### бахт-саодат тилайди!

### Осмонимиз ҳамиша мусаффо,

### хаққимиз тинч-омон бўлсин, азизлар!

<b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> <b>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</b> Муассис: <b>Тошкент вилояти ҳокимлиги</b>	Бош муҳаррир <b>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</b>	Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Электрон почталар: thaqiqat@mail.ru th-tp@mail.ru	Қабулхона: Бош муҳаррир ўринбосари: Масъул котиб: Бўлим муҳаррирлари Шартнома ва эълонлар: Ҳисоб-китоб бўлими:	Телефонлар: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) 71 233-70-10 71 233-90-82 71 233-38-23, 71 233-48-08 71 233-65-59 71 233-54-10	Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудхўжаев томонидан саҳифаланди.	Навбатчи муҳаррир <b>Қумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА</b> Назоратчи мусаҳҳиф Аллома АЗИЗОВА Навбатчи <b>Эрали НОРБЕКОВ</b>
	Манзил: 100000, Матбуотчилар кўчаси, 32. Буюртма V-3253. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. 9 365 нусхада чоп этилди. ISSN 2010-9318.					

“ЎЗБЕКИСТОН” нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 21.30.

Реклама ўрнида

Тошкент вилояти  
автомобиль йўллари  
худудий бош бошқармаси  
жамоаси

юртимиз аҳолисини

## Наврўз байрами

билан самимий муборакбод этади!

Ушбу қутлуг айём ҳар бир хонадонга  
файз-барака олиб келсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

## «TASVIRIY OYUNA»

иждодий уюшмаси

Тошкент вилояти

бўлими жамоаси

юртдошларимизни

## Наврўзи олам

билан қутлайди!

Бошлаган хайрли ишларингизга

муваффақиятлар, оилангизга

тинчлик ва барака тилайди!

Қалбларингизни кўтаринкилик ва

илҳом тарк этмасин!

## «MIKROKREDITBANK»

Тошкент вилояти минтақавий  
филиали жамоаси халқимизни  
баҳор байрами –



## Наврўз айёми

билан табриклайди!

Шунингдек, юртдошларимизга  
ўз омонат турларини таклиф этади.

«Mikrocreditbank» –  
мақсад сари  
дадил қадам!




XALQ BANKI

Акциядорлик тижорат «Халқ банки»  
Тошкент вилоят филиали жамоаси  
юртдошларимизни яшариш ва  
янгилашиш айёми –

## Наврўзи олам

билан самимий табриклайди!  
Юртимиз тинч, хонадонларимиз  
файзли бўлсин!



### Халқ банкидан байрам акцияси!

- Халқ банкидан халқаро «Visa» тўлов картасини очиш, ушбу карталардаги маблағларни ечиш
- 2019 йилнинг 1 апрелига қадар бепул этиб белгиланди.
- Интернет тўлов ва смс хабарларга уланиш эса мутлақо бепул.
- Халқаро тўлов картасининг депозит суммаси 15 АҚШ долларига туширилди.

Телефон: (95) 475-52-06